КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 11 (4517).

16 ЯНВАРЬ ШАНБА 1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

* «ПРАВДА» КОЛХОЗИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ТАШАББУСИ (1-бет).

* КЎКЛАМГА ТАРАДДУД ҚИЗҒИН (1-бет).

* НУРЧИЛАР СЪЕЗД ВАХТАСИДА (1-бет).

* СОВХОЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЮКСАК АҲДИ (2-бет).

* САККИЗИНЧИ БЕШЙИЛЛИК САМАРАЛАРИ (2-бет).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Ленинский путь» колхозининг илғор механизаторлари мавжуд техника воситаларини асосан муддатидан илгари ремонт қилиб бўлдилар. Суратда: (чапда) қишлоқ хўжалик машиналарини эксплуатация қилиш бўйича колхоз инженери Андрей Ли ремонтдан чиқарилган тракторни механизатор Т. Холиқулов билан синаб кўрмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»—«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» ЖУРНАЛИ 50 ЁШГА ТЎЛДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети «Ўзбекистон коммунисти»—«Коммунист Узбекистана» журналининг редакция ходимларини, активини ва журналистларини журналнинг биринчи сони чиқа бошлаган кунинг 50 йиллиги муносабати билан қизғин қутлайди.

«Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» — журнали ярим асрдан бери марксизм-ленинизм назариясини, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатини актив пропаганда қилиб келмоқда, Ўзбекистонда ва бошқа Иттифоқдош республикаларда социалистик ва коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига доир масалаларни ёритиш борасида катта иш олиб борди ва олиб бормоқда.

Журнал республикада хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга ошириш, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширишдаги фаолияти, интернационализм ғояларини пропаганда қилиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишга каттагина ҳисса қўшди.

Журнал саҳифаларида халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиёти масалалари кўзга кўринарли ўрин олиб турибди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини оширишга, жуда қаттиқ иқтисодий тежашга риоя қилишга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети редакция ходимларига ва журналнинг актив авторларига ижодий меҳнатларида катта муваффақиятлар тилайди ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда журнал бундан буён ҳам республика партия ташкилотининг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади, деб қатъий ишонч билдиради.

Журнал мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг практикаси илгари сураётган актуал проблемаларни дадил қўйиши ва ишлаб чиқиши, коммунизм ғалабаси учун курашда партиянинг тобора кучайиб бораётган ролини кенг ёритиши, республика партия ташкилотининг ташкилотчилик ва идеология ишидаги барча янгиликларни ҳар доим қўллаб-қувватлаши, ўзининг диққат—эътиборини кадрларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашни кучайтириш, коммунистларга, барча меҳнаткашларга сиёсий билим бериш, КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш масалаларига қаратиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КЎЧАТЛАР ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА

Партиямизнинг навбатдаги XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётган **Калинин районидаги 2-«Назарбек» совхози** сабзавоткорлари шу кунларда баҳорги экин-тикин кампаниясига пухта ҳозирлик кўришаяпти. Помидор, бодринг, карам кўчатлари яхши парвариш қилинмоқда.

Эртаги сабзавот кўчатлар тайёрлаётган парник хўжалиги деҳқонлари барча ишларни намунали олиб бормоқдалар. Кўчатларни саралаш, расад қилиш ўз вақтида ўтказилмоқда. Бу ишларда хўжаликнинг И. Исмоилов, К. Алимова, М. Мухсинова каби ишчилари пешқадам бўлмоқдалар.

А. ҚОДИРОВ.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ПРАВДА» КОЛХОЗИ АЪЗОЛАРИНИНГ 1971 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Совет кишилари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бу хайрли ишга Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози аъзолари ҳам камтарона ҳисса қўшмоқдалаар. Колхоз деҳқонлари В. И. Ленин юбилейи йилида давлатга 5434 тонна пахта сотдилар, бу пландагидан 185 тонна кўпдир. Гектаридан олинган «оқ олтин» 30 центнердан ортиб кетди. Шунингдек, ўтган йили 22 минг тонна, ёки мўлжалдагидан 1600 тонна кўп каноп етиштирилди. Гектаридан 160 центнердан каноп олинди.

Колхоз чорвадорлари ҳам маҳсулот сотиш топшириғини муваффақиятли уддаладилар. Гўшт тайёрлаш плани 105,2 процент, сут плани 107,9 процент, тухум 125,7 процент, жун плани 107,6 процент ва пилла тайёрлаш плани 100,5 процент бажарилди.

Ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда бир мунча муваффақиятларга эришилди.

Саккизинчи беш йилликда давлатга пландан ташқари 2598 тонна пахта сотилди. Машина теримли плани 107,5 процент бажарилди. Беш йил давомида давлатга пландагидан 6449 тонна кўп каноп етказиб берилди.

КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ва Пахтаобод, Ромитон, Шуманой, Оққўрғон районлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг чақириғига жавобан «Правда» колхози аъзолари ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:

пахта ҳосилдорлиги гектарига 32 центнерданга етказилади ва давлатга 5800 тонна — пландагидан 660 тонна ёки 1970 йилда етиштирилганидан 366,4 тонна кўп пахта сотилади;

каноп пояси ялпи ҳосили 23350 тоннага етказилади. Бу пландагидан 1550 тонна ёки 1970 йилдагидан 814 тонна кўпдир. Ҳар гектаридан 5 центнердан каноп уруғи олинади;

бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш 2940 тоннага етказилади ва ҳар гектаридан кам деганда 55 центнердан шоли ва баҳоркор ерларда 13 центнердан ғалла олинади;

суғориладиган ерлардаги эскидан экиб келинаётган бедазорлардан кам деганда 100 центнердан беда, 500 центнердан маккажўхори кўкпояси олиш ва гектаридан 50 центнердан маккажўхори дони олиш, маккажўхорига хашаки лавлагини қўшиб экилган ерлардан 500 центнердан ҳосил олиш учун курашилади;

меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ва комплекс механизацияни қўлланиш ҳисобига пахтанинг таннархини 1970 йилдагига нисбатан 5 процент, каноп таннархини 7 процент камайтиришга эришилади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рентабеллаштириш даражаси 2 процентга кўтарилади;

чорвадорлар ҳар бош сигирдан кам деганда 2600 килограммдан сут соғиб олиш учун курашиб, сут етиштиришни 1918 тоннага етказиш ва сутнинг таннархини 30 процент камайтиришга ҳаракат қиладилар;

чорванинг туёғини кўпайтириш ишини яхшилаш учун зарур тадбирлар кўрилади, ҳар 100 бош сигирдан кам деганда 95 тадан бузоқ, ҳар 100 бош совлиқдан кам деганда 100 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 20 тадан бола олинади, уларни тўла сақлаб қолиш учун курашилади;

гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача оғирлигини 320 килограмм, қўйларни 50 килограмм, чўчқаларни 100 килограммга етказиш учун ҳаракат қилинади;

1971 йилда колхозчилар 1000 квадрат метр турар-жой оладилар, йил охирига борғ 850 ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаб ва 100 ойкали туғуруқхона қурилиши тугалланади.

хўжалик йилида колхознинг маркази ва чорвачилик фермаси профилакторийси табиий газ билан таъмин этилади;

колхоз чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, гўшт, сут, тухум сотиш бўйича биринчи квартал планини 20 мартгача бажаришга қарор қилдилар, давлатга 90 тонна гўшт, 330 тонна сут ва 30000 дона тухум сотилади.

БУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Узбекистон КП Тошкент область комитети бюроси Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози аъзоларининг КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини кўриб чиқди ва уларнинг ташаббусини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органларига «Правда» колхози аъзоларининг социалистик мажбуриятларини кенг муҳокама этишини таъминлаш, КПСС XXIV съезди шарафига янги беш йиллиқнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун социалистик мусобақани кучайтириш топширилди.

МОНГОЛИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ҚАРДОШЛИК САЛОМИ

СССР билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, хамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 25 йиллигини Узбекистон пойтахти тантанали нишонламоқда. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар суҳбатлар ўтказиб, қардош мамлакатнинг социалистик қурилишдаги муваффақиятларини гапириб бермоқдалар. Ишчи клубларида ва кинотеатрларда кўрсатилаётган фильмлар, фотокўргазмалар ҳам шу муваффакиятлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Мана шу улуғ санага бағишланиб 15 январда шаҳар жамоатчилари вакиллари йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш қатнашчилари совет—монгол дўстлигининг ажойиб самаралари тўғрисида, Узбекистон ҳам бунга муносиб ҳисса қўшаётганлиги ҳақида фахрланиб гапирдилар. Улар Монголия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига мамлакат экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-391» ПАРВОЗДА

14 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг кавбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-391» учирилди. Йўлдошда космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

(ТАСС).

ЖУРНАЛ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Узбекистон коммунисти»—«Коммунист Узбекистана» эллик ёшга тўлди.

15 январда Тошкентда ана шу тарихий йиллиққа бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

КПСС Марказий Комитети Ленинчи Сиёсий Бюроси состави баланд руҳ билан йиғилиш Фахрий Президиумига сайланди.

Ҳозир бўлган кишилар Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журналга юборган табрикиномасини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Табрикномани Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюро аъзолигига кандидат, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ўқиб эшиттирди.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди.

Журнал босиб ўтган шонли йўл тўғрисида унинг бош редактори А. Д. Ивахненко доклад қилди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев, «Партия турмуши»—«Партийная жизнь» журналининг бош редактори Т. С. Соатов, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари-пропоганда бўлимининг бошлиғи полковник Н. С. Злобин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари Ғ. Н. Неъматов, «Ташсельмаш» заводи партия кабинетининг мудири А. Е. Самсонов, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг декани, тарих фанлари доктори Ғ. А. Ҳидоятов йиғилишда сўзга чиқиб, журнал коллективини табрикладилар.

Журнал номига Москва ва қардош республикалардаги назарий ва сиёсий журналлардан, бошқа турли ташкилотлардан кўпдан кўп табриклар олинди.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямизнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун баракали меҳнат қилишмоқда. Бу борада фабриканинг каштачилик цехи азаматларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Суратда: фабрика партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Абдусаматова (чапдан иккинчи) бир группа ишчилар билан маҳсулотнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

Ж. Раззоқов фотоси.

СОВЕТ—МИСР МУЗОКАРАЛАРИ

ҚОҲИРА, 14 январь. (ТАСС). Бугун Қуббе саройида СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний билан Бирлашган Араб Республикаси президенти Анвар Садат ўртасида музокаралар бошланди.

Музокараларда Совет томонидан СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Н. М. Матчонов ва бошқалар, БАР томонидан — вице-президентлар Ҳусайн Аш-Шафиий билан Али Сабрий ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Дўстона ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида ҳар иккала томон Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш масалалари тўғрисида, шунингдек ҳозирги халқаро аҳволнинг бир қанча актуал проблемалари юзасидан атрофлича фикрлашиб олдилар. Томонлар Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳволга алоҳида эътибор бердилар.

Томонлар СССР билан БАР ўртасида барча соҳаларда мавжуд дўстона ҳамкорликнинг ривожланаётганлигидан тамомила мамнун эканликларини изҳор этдилар. Улар ҳар иккала мамлакат халқлари учун самарали бўлган бундай ҳамкорликни кенгайтиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга аҳд қилганликларини билдирдилар.

Томонлар ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олишни кейинги кунларда яна давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар.

АСВОНДАГИ ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН

ҚОҲИРА, 14 январь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Олий Совети Президиуми раиси Н. В. Подгорний ва Бирлашган Араб Республикасининг президенти Анвар Садат ҳамда уларнинг ҳамроҳлари Асвон гидроэнергетика комплекси қурилиши тугалланиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун бугун Қоҳирадан Асвонга учиб кетдилар.

Улар шу куниёқ Асвонга етиб келдилар.

ҚИММАТЛИ ТАКЛИФЛАР

Чорвоқ гидроэлектростанциясини бунёд этаётган қўпмиинг кишилик бинокор, монтажчи ва механизаторлар коллективи юксак меҳнат зафарларига эришмоқда. Қурувчилар янги йилда яна бир юқори кўрсаткичга эришдилар: Чорвоқ ГЭСининг биринчи блоки ток бера бошлади.

Бундай қувончли натижаларга эришишда мавжуд машинамеханизмлардан унумли фойдаланиш, бинокорлар ва монтажчилар меҳнатини пухта ташкил этиш юзасидан қўрилаётган тадбирлар қўл келмоқда. Бу хайрли ишга нурхона бунёдкорлари сафида ишлаётган рационализаторлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг қурилиш суръатини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материаллар ва хом ашёларни тежаб-тергашга қаратилган таклифлари туфайли фақатгина юбилей йилининг биринчи ярмида 96 минг сўмлик жамгарма олинди. Бу мажбуриятда белгиланган миқордан анча кўпдир.

Айрим таклифлар жуда қимматли. Уларни амалга ошириш натижасида каттагина давлат маблағи тежаб қолинмоқда. Инженерлардан В. Романчак ва И. Тертичний ўртоқлар тўлдирувчи цементли қоришма таркибини ўзгартиришни таклиф қилишди. Унинг натижаси кутилганидан ҳам яхшироқ бўлди. Бу тавсияни қўлланиш натижасида бир йил мобайнида 50 минг сўмга яқин фойда олиш мумкинлиги аниқланди. Ишлаб чиқариш новаторларидан Л. Коломоец ва А. Бугров ўртоқларнинг тош-шағал аралашмасини саралаш учун экскаватор чўмичига махсус мослама ўрнатиш ҳақидаги таклифлари ҳам коллективга жуда қўл келди. Уни жорий қилиш туфайли тош-шағални саралаш жараёни тезлашди ва арзонлашди.

Энергия участкаси монтёрларидан Хайритдинов ва Мамбетов ўртоқларнинг ижодий изланишдаги ғайрат-шижоатини мамнун бўлиб тилга олсак, киши. Улар бир қанча таклифларнинг авторлари ҳисобланишади. Яқинда яна бир қиммат-ли тадбирни амалга ошириш ташаббускорлари бўлишди.

Новаторларнинг бундай қиммат-ли таклифлари жуда кўп. Улар шу кунларда барча бинокорлар билан КПСС XXIV съездига муносиб тортиқлар билан келиш мақсадида ижодий изланиш кўламини янада кенгайтириб юбордилар.

Т. СОБИТОВ.

СОВХОЗ посёлкаси, айниқса кейинги йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кўпгина маданий-маиший ва турар-жой бинолари қад кўтарди. Суратда: янги қад кўтарган бинолар.

УЛКАН ОДИМ

Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз директори Эрмат ТУРАҚУЛОВ ҳикоя қилади

Саккизинчи беш йиллик одими улкан бўлди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди.

Бу ютуқлар ҳақида гапирилганда рақамлар ўтган йилларга солиштирилади. Ҳар бир қилинган иш, амалга оширилган ният янги режаларга етаклайди.

Хўжалигимизда беш йил мобайнида катта ўзгаришлар бўлди. Янги ерлар очилди. Деҳқонларнинг маданий-маиший турмуши яхшиланди.

Совхозимиз ишчилари ўтган йиллар мобайнида тилга олса арзийдиган ишлар қилдилар. **Беш йилликнинг биринчи йилида 2300 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, ўтган юбилей йилида гектар бошига олинган ҳосил 27 центнердан ошиб кетди. Пахта майдони эса 2585 гектарга етди. Гектар бошига ҳосилдорлик тўрт центнерга ошди. Давлатга планда белгиланган 6100 тонна ўрнига 6848 тонна «оқ олтин» сотилди. Бир йилнинг ўзида пахта салкам минг тоннага** кўпайди. Бундай муваффақиятлар хўжалигимиз йил сайин комплекс механизациялашиб бораётганлигидан далолат беради.

Механизация пахтачиликни ривожлантиришда асосий роль ўйнамоқда. Айниқса, бизнинг хўжалигимизга ўхшаш чўл ва қумли майдонларда пахта экаётган совхозлар механизациядан иложи борича самарадор фойдаланаётганликлари орқасида шундай улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Бизда 1800 гектар майдонни, қумли, камҳосилли ерлар ташкил қилади. Қолган майдонлар эса шўрхок, қоратупроқли ерости сувлар яқин бўлган майдонлардир.

Ҳар хил ер шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштириш деҳқондан катта куч, тажриба талаб этади. Совхозимизда пахтачилик соҳасида билимдон, ўқимишли деҳқонлар кўплаб топилади.

Ўтган юбилей йилида 520 гектар пахта майдонидан 25 центнер ўрнига 33 центнерга етказиб ҳосил кўтарган Муҳаммад Шомуротов бошлиқ бўлим пахтакорлари шўрхок ерларда йил сайин ҳосилдорликни ошириб пахта сифатини яхшилаб келмоқдалар. Шунингдек, Мамақул Бекмирзаев, Мирза Нурматов бошлиқ бўлим пахтакорлари ҳам ўзларига қарашли майдонлардан 30-35 центнерга етказиб «оқ олтин» олмоқдалар.

1970 йилда совхозимиз пахтадан 2 миллион 682 минг сўм ўрнига 3,5 миллион сўм даромад қилди. Ҳосилнинг 80 процента юқори сортларга топширилди. Шу йили 650 минг сўм соф фойда олиш планлаштирилган эди. Амалда эса 1 миллион сўмдан ошди. 6 та пахтачилик бўлимининг ҳаммасида қишлоқ хўжалигининг барча турлари бўйича план ортиғи билан бажарилди.

Ўтган беш йиллик бошларида бизнинг хўжалик ҳақида гап кетганда юқоридаги рақамларнинг ўндан бири ҳам тилга олинмас эди. «Соф фойда», «Катта даромад» деган сўзлар бўлмаган. Ҳосилдорликни ошириш, пахта майдонини кенгайтириш соҳасида ҳам тузукроқ иш олиб борилмаси.

Партиямиз XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларида қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш омиллари кўрсатиб берилди.

Деҳқонлар ўз олдиларида турган юксак вазифани бажариш, йилдан-йилга давлатга кўпроқ пахта етказиб бериш йўлида астойдил тер тўкишмоқда. Янги резервлар ишга солинянти. Техника, минерал ўғитдан тўғри фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Шу боисдан ҳам пахтачиликда сезиларли силжиш бўлмоқда.

Беш йилликда 28560 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган бўлсак, 29586 тоннадан ошиб кетди. Шу йиллар мобайнида ҳосилдорликни 140 тоннага оширишга эришдик. Механизациялаш даражаси эса ундан ҳам ошиб кетди. Ҳосилнинг 80—90 процентини машиналарда териб олмоқдамиз.

Юқорида совхозимиз экин майдонлари уч турга бўлинишини қайд қилган эдим: қумли, шўрҳок ҳамда ерости суви яқин бўлган ерлар. Бундай майдонларда мелиорациянинг тўғри йўлга қўйиш талаб этилади. Шу мақсадда каналлар, зовурлар, дренажлар қазилади. Эндиликда совхозимиз йирик канал қазувчи техника, асбоб-ускуналарига эга. Қудратли экскаваторлар, бульдозер ва скрейперлар бор.

Биз ҳар йили қишда кўпгина майдонлар шўрини ювамиз. Қуйи ерлардаги тупроқ унумдорлигини ошириш учун минерал ва маҳаллий ўғитлар чиқарамиз. Ерости суви яқин бўлган майдонларда эса канал ва дренажларни сифатли ремонт қиламиз. Натижада баҳорга келиб экин майдонларимиз чигит экишга тўла тайёр ҳолга келтирилади.

Қишлоғимиз ёшларининг механизацияга иштиёқи зўр. Ҳар йили совхозимиздан ўнлаб йигит-қизлар техника билим юртларига кирмоқдалар. Сафимиз билимли ёшлар билан тўлмоқда. Пахтачиликни ривожлантиришга бел боғлаган, чўлларни пахтазорга айлантираётганлар ҳам шулар.

Хўжалигимизда пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий резерви—қўриқ ерларни ишга туширишдир. Ўтган бел йил мобайнида жами 800 гектар ер ўзлаштириб ишга туширилди. Хўжалигимиз умумий майдонининг жуда кўп қисмини шўрҳоқ ва ботқоқлик ерлар эгаллаб ётибди. Чўқуварларимиз бир умр фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштирмоқдалар. Ҳар йили экин майдонларимизга 200—300 гектар ер қўшилмоқда.

Съездан съездгача

Чўлни пахтазорга айлантиришга бел боғлаган механизаторларимиз сони ортиб боряпти. Қишлоғимизда Карим Ражабовни чўл ботири дейишади. У бир неча йилдирки, янги ўзлаштирилган ерларда пахта экиб, ундан юқори ҳосил кўтармоқда. Халол меҳнати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топмоқда.

Карим Ражабов бошлиқ звено ўтган йили 44 гектар майдонни ажратиб олиб деҳқончилик қилган эди. Ана шу майдондан планда белгиланган 24 центнер ўрнига 47 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Гектар бошига олинган ҳосил бир йилнинг ўзида 20 центнерга ошди. Бу бизнинг шароитимизда рекорд ҳосил ҳисобланади. Тадбиркор, ўз ишининг устаси, ҳақиқий деҳқон ўғли Карим Ражабов тенгдошлари ўртасида юқори маррани эгаллади. Яқинда бизга пешқадам механизаторни «Электрон» телевизор билан мукофотладик. Каримга ўхшаш ўз бахтини чўлдан топаётган ёшлар хўжалигимизда кўплаб топилади. Вааллам Тўхтабоев, Саидаҳмад Сангинов, Бекмурод Жиямуродов, Тўрақул Турсунбеков, Қолдибек Рустамовлар шулар жумласига киради.

Чўлда ишлашга азми-қарор қилган кишиларимиз сони тобора ортиб боряпти. Шу йилнинг ўзида икки киши чўлдан янги ер ажратиб пахта экиш истагини билдирди. Турсунали Тўрақулов бошлиқ янги звено ҳозирги кунда янги ерда иш бошлади. Азим Азизов ҳам чўлда ишлашга қарор қилган. Бу улуғ ниятли механизаторлар ҳимматига тасанно айтсанг арзийди. Уларнинг нияти битта, у ҳам бўлса қимматбаҳо «оқ олтин»ни кўпайтириб, чўлни хазинага айлантиришдир.

Беш йиллик план муваффақиятли якунланди. Давлатга пландан ташқари бир неча юз тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Гектар бошига олинган ҳосил ошди. Ўтган йиллар мобайнида ҳосилдорликни пландагидан 10—15 центнерга ошириб юборган ҳурматли пахтакорларимиз Жўрамурод Бердиев, Жўлбой Деҳқонов, Ҳожибек Усканбоев, Карим Эргашев, Саидаҳмад Сангиновлар шулар жумласига киради.

Эндиликда совхозимиз йирик механизациялашган хўжаликка айланиб қолди. Ҳозирги пайтда 70 дан ортиқ терим машинаси, 72 чопиқ, 32 та ҳайдов трактори ва бир нечта экскаватор механизаторларимиз измида. Шу қудратли техника билан тиллашиб барча ишни пухта ташкил этаётган тракторчиларимиздан Холбой Номозбоев, Тенглаш Ҳамроев, Жўра Алавкеевлар номини қишлоғимизда ҳурмат билан тилга олишади.

Пахтачиликнинг юксалиши билан деҳқонларнинг маданий-маиший турмуши ҳам яхшиланиб боряпти. Бир вақтлар пахса девордан қурилган зах, қоронғу уйлар ўрнида турар-жой иморатлари қад кўтарди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Эндиликда одамларимиз узоқдан бочкада сув ташиб келтирмайдилар. Ҳар бир хонадонга водопровод кирган.

Беш йил мобайнида қишлоғимиз қурилиши тубдан ўзгариб кетди. Бош план асосида янги, маданий-маиший бинолар қурилди. Мактаб, боғча, клуб, кутубхоналар доимий ишлаб турибди. Ҳозир хўжалигимиз 240 ўринли кинотеатр ва 600 ўринли ёзги кинотеатрга эга. Бўлимларнинг ҳар бирида 200 ўринли кинотеатр бор. 30 километрга асфальт ётқизилган. 700 хонадонда «зангори олов» ёнмоқда.

Қишлоқда телефон марказининг ишга туширилиши ҳаммадан ҳам қувончли бўлди. Ҳозирги пайтда 50 точкада телефон ишлаяпти. Чойхона, ҳаммом, ошхоналар бор.

Қишлоқ қурилиши йил сайин қулоч ёзиб, кенгайиб бормоқда. Бу қурилишлар учун шаҳардан пишиқ ғишт келтириш анча қимматга тушади. Шунинг учун биз ўз қишлоғимизда янги ғишт заводи қуришга қарор қилдик. Тез орада ҳар йили 12 миллион дона пишиқ ғишт берадиган завод ишга тушади.

Янги йил режаларимиз янада юксак. Биз бу йил юз хонадонга мўлжалланган янги турар-жой, учта 50 ўринли болалар боғчаси ва совхоз учун идора қуришни планлаштирганмиз. Қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Партиямизнинг навбатдаги XXIV съезди арафасида янги марраларни кўзлаяпмиз. Бу йил экин майдонини янада кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, маданий-маиший турмушни яхшилаш борасида белгиланган тадбирларни амалга оширамиз.

СОВХОЗ директори Э. Тўрақулов (чапда), бўлим бошлиғи М. Шомуротов ва бухгалтер Қ. Исмаднёров ўртоқлар. Улар янги беш йилликда амалга оширилиши зарур бўлган режалар ҳақида суҳбатлашишяпти.

Н. ТЎРАЕВ фотолари.

САККИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Ижтимоий истеъмол фондлари — социалистик ишлаб чиқариш усулининг иқтисодий категориясидир. Бундай фондлар меҳнаткашлар даромадининг ажралмас қисмини ташкил этади ҳамда совет гражданларининг бепул ўқиш ва ишлаб чиқариш таълимини олиш, ҳар йили меҳнат отпускаси даврида дам олиш, қариганда моддий ёрдам, бепул медицина хизматидан баҳраманд бўлиш каби қатор ҳуқуқларининг моддий асоси бўлиб хизмат қилади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг давлатимиз ижтимоий истеъмол фондларини яратиш ва уни тўхтовсиз кенгайтириб бориш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда, Саккизинчи беш йилликнинг факт ва рақамлари буни яна бир бор яққол кўрсатди.

✦ КПСС XXIII съездининг Директивларида аҳолига меҳнат даромадига қўшимча равишда текин хизмат кўрсатиш ва пулли тўловлар ҳажмини камида 1,4 марта кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу топшириқ тўрт йил ичидаёқ бажарилди. Ижтимоий фондларнинг беш йиллик мобайнидаги абсолют ўсиши 1940 йилдагига нисбатан деярлик беш баравар ортиқ бўлди. Саккизинчи беш йилликнинг охирги йилида бундай фондлар 66 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди.

✦ Республикамизда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи анча кўпайди, колхозчиларнинг колхоз ижтимоий хўжалигидан олаётган даромадлари кўп даражада ошди. 1970 йилда ижтимоий истеъмол фондлари 2,2 миллиард сўмдан зиёд бўлиб, аввалги йилдагига қараганда 7,2 процент кўпайди.

✦ СССРда инсон ҳали дунёга келмасиданоқ ижтимоий истеъмол фондларидан баҳраманд бўла бошлайди. Ишлаб турган ҳамма аёллар ана шундай фондлар ҳисобидан 112 кунлик хомиладорлик ва фарзанд кўриш отпускасини оладилар, уларга қўшимча ҳақ тўланади.

Давлат оналар ва чақалоқларга медицина хизмати кўрсатиш ҳақида тўла ғамхўрлик қилади. Ҳозир мамлакатимизда 21 мингга яқин оналар ва болалар консультациялари ишлаб турибди. Чор Россияси даврида бор-йўғи 9 та ана шундай консультация хонаси бўлган.

Учинчи бола туғилгач, она давлатдан биргалик нафақа, тўрт ва ундан ортиқ болалик оналар ойлик нафақа олиб турадилар. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 6 миллион она давлатдан нафақа олмоқда.

✦ Боғча ва яслиларда тарбияланаётган болалар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Фақат кейинги беш йил ичида мактабгача муассасалардаги кичкинтойлар 1,6 миллион кўпайди ва 9,1 миллионга етди. Агар 1965 йили мактабгача муассасаларга ҳар беш боланинг бири қатнаган бўлса, 1970 йилда ҳар уч боланинг бири, шаҳарларда эса икки боланинг бири қатнаб турди. Бир боланинг ясли ёки боғчада тарбияланиши учун йилига 400 сўм сарфланса, бу маблағнинг бешдан тўрт қисми ижтимоий фондлардан берилади, бешдан бир қисмини эса ота-оналар тўлайдилар.

✦ Бу йилги ўқув йилида умумтаълим мактабларида деярлик 50 миллион бола таълим олмоқда. Ўтган беш йилликда 1961—1965 йилларга қараганда тўрт баравар кўп йигит ва қиз тўла ўрта маълумотли бўлди. Ҳар бир болани мактабда ўқитиш учун давлат йилига 100 сўмдан ортиқ маблағ сарфлайди.

АГИТАТОРЛАР ВА СИЁСИЙ АХБОРОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

✦ 1966—1970 йилларда кундузги олий ўқув юртлари ва техникумларда таълим олаётган студентлар сони 1,4 баравар кўпайди, 7 миллион киши олий ёки ўрта махсус маълумотли бўлди. Ўсиб келаётган авлодни ўқитиш учун маблағни давлат беради. Олий ўқув юртининг бир студентини ўқитишга ўртача 850 сўм кетади. Демак, бир боланинг аввал мактабда, кейин эса институтда ўқиши мобайнида она давлатдан 5 минг сўмдан ортиқ наф кўради.

✦ Ҳар йили 8 миллиондан ортиқ киши текин ёки имтиёзли йўлланмалар билан санаторий, дам олиш уйлари, пансионат ва профилакторийларда ҳордиқ чиқаради. Ана шу йўлланмаларнинг ҳар бирига давлат қўшимча 70—100 сўмдан тўлайди. Ҳар йили 24 миллион меҳнаткаш ва уларнинг онла аъзолари ўз меҳнат отпускаларини шифохоналар ва дам олиш уйларида ўтказмоқда.

✦ СССР гражданлари саломатлигини 7 минг врач қўриқламоқда. Дунёдаги ҳамма врачларнинг тўртдан бири бизнинг мамлакатимиздадир, ваҳоланки, Совет Иттифоқи аҳолиси ер юзи аҳолисининг 7 процентини ташкил этади.

Ҳар бир беморни касалхонада даволаш давлатга бир кечакундузда 6 сўмга тушади.

Энг бой капиталистик мамлакат — Қўшма Штатларда соғлиқни сақлаш ҳам бизнесга айлантирилган. АҚШ аҳолиси ҳар йили медицина хизматига 50 миллиард доллар сарфлайди. Врач қабулида бўлиш учун 10 доллар, уйга врач чақиришга 15, қон анализига 10, касалхонада даволангани учун кунига 100, операцияга эса камида 1000 доллар тўлаши керак.

✦ Республикамизда биргина ўтган йили соғлиқни сақлаш ишларига 378 миллион сўм сарфланди. Республика соғлиқни сақлаш органларида 188 минг меднцина ходими бўлиб, улар 3 мингдан ортиқ касалхона, амбулатория-поликлиника, «тез ёрдам» станциялари, диспансерлар, аёллар ва болалар консультацияларида аҳоли саломатлиги йўлида посбонлик қилмоқдалар.

✦ Совет Иттифоқида 41 миллион киши пенсионер ҳисобланади. Беш йиллик мобайнида давлат ва колхозларнинг ижтимоий фондлардан пенсиялар учун ажратган маблағлари бир ярим баравар кўпайди ва 1970 йили 16 миллиард сўмни ташкил этди.

✦ Беш йиллик ичида СССРда 55 миллион киши ўз турар-жой шароитини яхшилаб олди. Квартира ҳақи Совет Иттифоқида жуда арзон: оила умумий даромадининг 2—3 процентини ташкил этади. Давлат ҳар бир квадрат метр уй-жой майдони учун йилига ўртача 4 сўмга яқин қўшимча ҳақ тўлайди.

Биргина республикамизда ўтган йили 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қурилиб, меҳнаткашларга тортиқ қилинди.

✦ Ўтган беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 26 процент ва колхозчиларнинг меҳнатдан олган даромади 1,4 баравар ошгани ҳолда ижтимоий фондлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 43 процент ўсди.

Карл Маркс бундан 100 йил муқаддам социализмда ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш, янги жамият тараққий эта борган сари бу фондларнинг салмоғи ҳам тобора ортиши ҳақида фикр айтган эди. Бизнинг социалистик давлатимизнинг ярим асрлик тарихи бу башоратнинг нақадар ҳаққонийлигини батамом исботлади.

ЖАСОРАТ

...Бу воқеа шу йилнинг ёз ойларида бўлиб ўтган. Қизилқумдан 30 километр нарида жойлашган Денгизкўл поселкасида кучли атмосфера босими остида отилиб чиққан газ ўт олади. Саноқли дақиқалар ичида вишка аланга гирдобида қолиб, қулаб тушади. Бахтсиз ҳодиса рўй берган жойга тезлик билан Бухоро областидаги барча ўт ўчириш командаси ташланади. Аммо кучли ёнғинни ўчиришга уларнинг кучи етмайди.

Тошкент область шаҳарлари командалари ҳам ёрдамга чақирилади. Пойтахт области ўт ўчирувчилари орасида чирчиқлик бўлим командири Абилқосим Бексаидов бошлиқ бир группа кишилар бор эди. Аммо Абилқосим бундай табиий офат билан биринчи бор юзма-юз келиши эди. Тажрибали йигит саросимага тушмайди. У олдин техникани қутқариб қолишга қарор қилади. Ўз ҳаётини таҳликага қўйиб бўлса-да, аланга гирдобида қолган мосламалар ёнига бориб, трос билан боғлаб холи жойга олиб ўтади.

Кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Секин-аста ёнғин чекинди, давлатнинг минглаб сўмлик техникаси сақлаб қолинди. Абилқосимнинг табиий офатга қарши курашдаги мардлиги, жасорати ҳақида «Известия» газетасида ҳам маълум қилинди.

Довюрак бўлим командирининг кўпйиллик самаради меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда. У «Ўт ўчириш аълочиси» нишонига, уч марта шаҳар ижроия комитети фахрий ёрлиғи, республика ички ишлар министрлигининг ташаккурномаларига сазовар бўлган.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Ўтган йили посёлкамиз атрофидаги суғориш шохобчалари тозаланиб, қўшимча канализация учун зовурлар қазилганидан кейин ерости сувлари силжиб, посёлка аҳолиси сувдан фойдалана олмай қолдилар. Негаки, водопровод линиялари ҳам ишдан чиққан эди.

Мана, ҳозир орадан беш-олти ой вақт ўтибдики, рўй бераётган бу сув таҳликасилгини бартараф қилиш тегишли ташкилотларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Аҳоли узоқдан — шаҳар чегарасидан сув ташиб ичишга мажбур бўлмоқда.

Ахир ўйлаб кўриш керак. Бизнинг Авайхон посёлкамизда қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли кўчат етказиб берадиган совхоз, бўрдоқичилик базаси, 8, 69-Тошкент шаҳар автобуслар базаси жойлашган. Афсуски, ана шу йирик хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам бу тўғрида ўйлаб кўрмаяптилар.

Биз Авайхон посёлкаси аҳолисини сув билан таъминлаш учун яқин кунларда зарур чоралар кўрилади, Оржоникидзе район ижроия комитети бизнинг ҳақли талабимизга қулоқ солиб, орзуларимизни амалга оширади деб умид қиламиз.

Авайхон посёлкаси аҳолиси номидан:

М. НАЗИРОВ,
тупроқшунослик илмий-текшириш институтининг аспиранти.

Х. МАТНИЕЗОВ,
политехника институтининг ўқитувчиси.

АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Район шифохонаси қошида янги қон қуйиш пункти ташкил этилди. Пунктда доноорларнинг доимий равишда қон топшириб туришлари учун лозим бўлган барча қулайликлар яратилган.

Илгарилари камқонли беморларни даволашда касалхона ходимларига анча қийинчилик туғиларди. Чунки қонга эҳтиёж сезилган пунктда турли группадаги қонлар сақланмоқда.

Шунингдек, район марказида хўжалик моллари билан савдо қилувчи магазин ҳам аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ғ. ТОЖИБОЕВ,
Оққўрғон райони.

ЙЎЛЛАР ШАЙДОСИ

Бу киши қирқ йилдан буён транспорт соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр ичида қанчадан-қанча йўлларни босиб ўтмади, дейсиз. Мана бугун ҳам навбатдаги рейсдан қайтиб келди. Бу унинг сўнгги сафари эди.

— Эндиликда пенсияга чиқяпман, касбдошларим, — деди у кутиб олган дўстларига. — Аммо укаларим Ҳусниддин ва Қутбиддин Нуриддиновлар ўрнимни билдирмай баракали меҳнат қилишади. Бунга ишончим комил.

— Ишончингизни оқлаймиз. — дейишди укалари. — Ҳа, Зуҳриддин Нуриддинов ўз қизиқарли касбига укаларини ҳам тортди.

...Поезд Тошкент—Москва йўлида елиб бормоқда. Бугун Қутбиддин акасининг ўғли Ҳожиакбар билан эндигина учинчи рейсни ўтказмоқда. Ҳожиакбар ҳам меҳнатсевар, тиришқоқ чиқиб қолди. Тоғасининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатади. Унинг ҳали ўрганадиган нарсалари кўп. Қутбиддин йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш бўйича ўзаро мусобақада доим олдинги ўринларни эгаллаб бормоқда. У меҳнат зарбдори. Номи Тошкентдаги проводниклар ҳурмат тахтасидан тушмайди. У йўловчиларнинг билетларини текширар экан, уларнинг деярлик ҳаммаси Москвага бораётганини билиб севиниб кўйди...

— Чой борми? — деб сўради, вагонда ундан ёш бир болали аёл.

— Қайси купедансиз?

— Учинчидан, — деб жавоб берди аёл.

— Ҳозир, купеингизга келтириб бераман, — хушмуомалалик билан деди проводник.

Йўлларда қизиқ ҳодисалар бўлади. Мана бири:

— Ўғлим, мени Саксовул станциясида уйготиб юборгин, — деди кекса йўловчи.

— Ҳавотир олманг отахон, бемалол ухлайверинг, — дедида Қутбиддин блокнотига ёзиб қўйди.

Вагонга кўшни проводник Н. Плужнов кириб келди.

— Ҳаммаси жойидами? — деб сўради.

— Ҳа.

Плужнов очиқ эшик олдига келиб ўтин, кўмир ҳозирлаб қўйилганини кўрди.

— Қойил, — деди Плужнов, — вагоннинг ҳақиқий хўжайинисан, ҳамма нарса тайёр.

Плужновга унинг яна бир ҳислати жуда ёқарди. У ҳеч қачон қўполлик қилмас, йўловчиларга қаттиқ гапирмас эди.

Қутбиддин ҳамма йўловчилар билан ҳам тез тил топиша биларди.

Эрта тонг. Қутбиддин вагонларни тозалар, супуриб, кўнгилдагидек қилиб қўйди. Унинг иш куни одамларга ғамхўрлик қилишдан иборат бўлади, десак муболаға бўлмайди.

Мана, Москва ҳам яқинлашиб қолди. Йўловчи билан проводник ўртасида кўпгина суҳбатлар бўлиб ўтди. Баъзилари билан дўстлашиб ҳам олди. Улар Киев, Ленинград, Калугага меҳмондорчиликка таклиф этишди. Қутбиддин Нуриддинов эса кулимсираб, самимий руҳда:

— Сизлар ҳам бизникига, Тошкентга меҳмон бўлиб боринглар, деб таклиф қилади. Ака-ука проводниклар меҳнатидан йўловчилар ҳамиша миннатдор.

А. ПАРИМОВА.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗ ОБЛАСТИ КОМИТЕТИДА

Область ижроия комитети ва давлат муассасалари ходимлари касаба союзи область комитети яқинда меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг юбилей йилидаги иш якунларини кўриб чиқдилар.

Улар шуни қайд қилдиларки, кўпгина қишлоқ ва посёлка Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишларини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон ССРда шу масала юзасидан чиқарилган қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бориб, жойларда халқ хўжалиги ва маданий қурилиш ишларига раҳбарлик қилиш фаолиятларини бир мунча яхшилашга эришдилар.

Қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари юбилей йилида халқ хўжалик планларини ошириб бажарилишини таъминлаш, қишлоқ меҳнаткашларининг ўсиб бораётган талабларини тўлароқ қондириш йўлида каттагина тадбирларни амалга оширдилар.

Юбилей йилида айниқса, Оққўрғон районидаги Ўртоқ Н. Шин раҳбарлик қилаётган «Янги ҳаёт» қишлоқ Советининг ижроия комитети 1970 йил халқ хўжалик плани ва бюджетларининг бажарилишини таъминлаш йўлида, шунингдек қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш борасида каттагина ташкилотчилик ишларини олиб борди.

Қишлоқ Совети ва унинг ижроия комитети Ленин номли ва «Заря коммунизма» колхозлари правлениелари билан мустаҳкам алоқа боғлаб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни биргаликда, оқилона ҳал қилиб борди.

Қишлоқ Советининг ижроия комитети, доимий комиссиялар ва депутатларнинг кундалик кўрсатиб келаётган ёрдами туфайли Ленин номли ва «Заря коммунизма» колхозлари аъзолари 1970 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашнинг ҳамма турлари бўйича давлат планларини муваффақиятли бажаришга эришдилар.

Қишлоқ Совети хўжалик экономикасини тобора ривожлантириш, бу ерда пахта, каноп ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш йўлида ўз таъсирини кун сайин активлаштириб борди. Шуни алоҳида эслатиб ўтиш, керакки, қишлоқ Совети Бўка районидаги Киров қишлоқ Совети бошлаб берган ташаббусга қўшилиб, пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширди. Натижада юбилей йили пахта тайёрлаш давлат плани қишлоқ Совети бўйича 126 процент, шоли тайёрлаш эса 158 процент, сабзавот 144,3 процент бажарилди.

Қишлоқ Совети ва унинг ижроия комитети айниқса, қишлоқ ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш, маданий-маиший объектлар қуриш масаласига катта эътибор бериб келмоқда.

1970 йилда қишлоқ сайловчиларидан тушган пакозларни бажара бориб, колхозлар билан биргаликда 2 та касалхона 1 та 680 ўринли мактаб қуриб ишга туширилди. 13 километр масофага водопровод тармоқлари ётқизилди. Қишлоқ Совети территориясида яшовчи барча колхозчиларнинг уйлари электрлаштирилди ва газлаштирилди.

Қишлоқ Совети ижроия комитетининг янги 1972 йилдаги иш режалари янада мазмунли ва салмоқли. Улар бу йил қишлоқда яна 2 та ўрта мактаб қуриб, янги ўқув йилигача фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда. Шунингдек мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ишларига ҳам катта эътибор берилади. Бугунги кунда қишлоқ Совети территориясидаги барча аҳоли пунктларида кичик ёшдаги болалар муассасалари ишлаб турибди. Юбилей йилида эса «Янги ҳаёт» қишлоғи территориясида кеча-кундуз ишлайдиган болалар комбинати қуриб ишга туширилди.

Янгийўл районидаги Олмазор посёлка Совети ижроия комитетининг иш фаолияти тўғрисида ҳам худди шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин. Ўртоқ И. Раимжонов раислик қилаётган бу посёлка Совети ҳам аҳолининг маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган савдо ҳамда маиший хизмат маданиятини юксалтиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Посёлка Совети юбилей йилида кўпгина кўчаларга асфальт ётқизди, йўлкалар қурди, кўчаларни чароғон этиш ишларини амалга оширди. Бу эса ҳақиқатан посёлка аҳолисининг олқишига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда Олмазор посёлкасида кенг экранли кинотеатр ва 300 ўринли клуб биноси қурилиши давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев қишлоқ Совети (раиси Ўртоқ И. Байзаков) ҳам хўжаликка раҳбарлик қилиш иш фаолиятида яхши тажрибалар ортирди. Қишлоқ Советининг ижроия комитети юбилей йилидаги бутун иш фаолиятини В. И. Ленин туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан олинган социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилишига сафарбар этди. Натижа кутилганидек ажойиб кўрсаткичлар билан якунланди.

Советларнинг сессиялари ва ижроия комитет йиғилишлари ўз вақтида мунтазам ўтказиб борилади. Сессиялар ва йиғилишлар кун тартибига қишлоқ хўжалиги, маданий-маиший, савдо ва медицина хизматини яхшилаш каби муҳим масалалар қўйилади, бу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ижроси доимо контроль қилиб борилади. Доимий комиссиялар, депутатлар ва жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларини бир мунча активлаштириб, қабул қилинган қарорларнинг бажариш ва ҳаётга татбиқ этишда Советларнинг энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолишди.

Область ижроия комитети ва давлат муассасалари ходимлари касаба союз область комитети, юбилей йилида алоҳида ташкилотчилик кўрсатиб мусобақада пешқадамлик қилган **Оққўрғон районидаги «Янги ҳаёт» қишлоқ Советини 500 сўм миқдорида пул билан мукофотлаш ва область ижроия комитети ҳамда давлат муассасалари ходимлари касаба союз область комитетининг кўчма Қизил байроғини топшириш ва шу қишлоқ Совети учун 1 та енгил «Москвич» автомашинаси ажратиш, Олмазор посёлка Советини 300 сўм, Охунбобоев қишлоқ Советини эса 200 сўм миқдорида пул билан мукофотлаш ва ҳар икковига область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғини топшириш қарор қилди.**

Область ижроия комитети бошқа қишлоқ Советлари иш фаолиятларини таҳлил қилиб ўтиш билан бирга, меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига юбилей йилида пешқадамлик қилган қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг иш тажрибаларини кенг ёйишга, партиямизнинг яқинлашиб келаётган XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун курашга чақирди.

Дунё овози
чет эл хабарлари

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОШЛИРИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 14 январь. (ТАСС). СССР билан ХХР ўртасидаги музокараларда Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев бугун Пекинга келди.

Пекин аэродромида Л. Ф. Ильичевни Совет—Хитой музокараларида ХХР ҳукумат делегациясининг бошлиғи ХХР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Цяо Гуань-Хуа, ХХР Ташқи ишлар министрлиги, СССР ва Шарқий Европа мамлакатлари бўлимининг мудири Юй Чжан кутиб олдилар.

Совет делегациясининг бошлиғини СССРнинг ХХРдаги элчиси В. С. Толстиков кутиб олди.

ИРҚЧИЛИК ҲАРАКАТИ

ЛОНДОН, 14 январь. (ТАСС). Англия парламентининг аъзоси лейборист Кристофер Мэйхью айтдики, Исроил маъмурлари яхудий зотидан бўлмаган бир неча юз минг кишини Фаластиндан сургун қилганликлари ирқчилик ҳаракатининг ўзгинасидир.

У ирқлараро муносабатлар институтида гапириб, сионизмни ўз моҳияти эътибори билан ирқчилик доктринаси деб таъкидлади. Сионистларнинг афсоналарини фош қилиш, деди Мэйхью Яқин Шарқдаги кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлур эди.

ВЬЕТНАМ Демократик Республикаси ўтган йили мамлакатдаги қишлоқ хўжалик кооперативлари мўлкўл ҳосил етиштирдилар. Айниқса Мокчау қишлоқ хўжалиги кооперативида чой барглари етиштиришда рекорд кўрсаткичга эришилди. Суратда: вьетнам қизлари чой барглари йиғишмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

АГРЕССОР АГРЕССОРГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 14 январь. (ТАСС). АҚШ давлат департаментининг вакили Жон Кинг матбуот конференциясида Қўшма Штатлар ўзининг Сайгон қўғирчоқлари Камбоджада қилаётган агрессияга ёрдам бераётганлигини тан олди. «Жанубий Вьетнам қўшинлари,—деди у,— кейинги олти ой мобайнида Камбоджада ўз операцияларини ўтказиб келмоқдалар ва биз уларга қурол-ярог ҳамда бошқа жиҳатлардан ёрдам бермоқдамиз». Кинг Қўшма Штатларнинг ана шу қўшинларда ўз маслаҳатчилари йўқ, деб даъво қилди. Аммо бу гаплар Америка матбуотининг хабарларига тамомила зиддир. Америка матбуоти Сайгон қўшинларининг Камбоджадаги агрессив ҳаракатларини АҚШ «маслаҳатчилари» тайёрлаганлигини ва бу ҳаракатларга йўл-йўриқ кўрсатиб бераётганлигини таъкидлади.

Ўтган ҳафтада қўғирчоқ Сайгон армиясининг яна икки минг солдати Камбоджага бостириб кирганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу мамлакатда ана шу солдатлар сони 10,5 минг кишига етди. «Вашингтон пост» газетаси ҳозирги вақтда «Жанубий Вьетнам қўшинлари Камбоджада янги ҳужумга тайёрланмоқдалар», деб ёзади.

ЖАЛЛОД ЖАЛЛОДГА ҲОМИЙ

Америка Қўшма Штатларида сержант Чарльз Тутто устидан ҳарбий суд давом этмоқда.

Уни 1968 йилнинг 16 мартида Вьетнамнинг Сонгми қишлоғида аёллар, болалар, кексаларни ўлдиришда, тинч аҳолининг бошига оғир мусибатлар солишда, оммавий қирғинликда қатнашгани учун суд қилмоқдалар.

Чарльз Хутто айбдор ёки айбдор эмаслигини ҳарбий суднинг бешта маслаҳатчи офицери ҳал қилади. Маслаҳат креслосига биринчи бўлиб полковник Роберт Кооб чиқади. Полковник Кооб ўз ўрнини эгаллашдан аввал бир неча саволларга жавоб қайтарди. У сержантни ҳимоя қилувчи сифатида ҳам, айбловчи сифатида ҳам берилган саволларга жавоб қилди.

— Сонгми қишлоғида бўлган воқеалар ҳақида бирор нима ўқиганмисиз?

— Ўқиганман. Бироқ матбуотда ёзилган барча хабарларни «ақлга тўғри келмайдиган» деб ҳисоблайман.

Ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаган ҳарбий асирни ўлдирган солдатни жазолаш мумкинми, деган саволга у шундай деб жавоб қилди:

— Менга армияга келган кунимдан бошлабоқ қандай қилиб отиш ва ўлдиришни ўргатишди. Вьетнамда ҳарбий асирларни отиш мумкин, негаки бу уруш ўзига хос, бошқача..., уруш бўляпти.

Америка армиясининг полковниги берган гувоҳликка мантиқан ёндошиладиган бўлса, унинг ўзини Хутто билан бирга судланувчилар курсисига ўтқазиш керак. Негаки, полковник солдатларнинг Вьетнамдаги ваҳшийликларини оқлашга уринмоқда.

Бироқ, судья бошқача йўл тутди. Коббнинг ўзи айбланганлигига қарамасдан, уни маслаҳатчилар оқсоқоли қилиб тайинлади.

Бир жиноятчи иккинчи бир жиноятчининг тақдирини ҳал қилмоқда. Бир жаллод иккинчи бир жаллоднинг фаолиятига баҳо бермоқда. Бу ишга адолат ҳудосининг тарозиси ҳам лозим бўлмай қолди.

АПН.

МИЛЛИОНЕР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

САНТЬЯГО, 14 январь. (ТАСС). Яқинда давлат назоратига ўтган Эдвардс банки раҳбарларидан бири Чили миллионери Хорхе Росс Осса қонунга хилоф равишда қурол-ярог ва ўқдори сақлашда айбланиб қамоққа олинди. Тинтиб кўрилган пайтда 5 мингга яқин ўқ ва ҳар хил қуроллар, шу жумладан пулемётлар ҳам топилди. Чилида чиқадиган «Кларин» газетасининг ёзишича, Хорхе Росс халқ бирлиги ҳукуматига қарши қўпорувчилик ишлари олиб борган ўта ўнгларнинг «озод Чили» ташкилоти билан маҳкам боғланган.

БИРЛАШГАН Араб Республикаси Совет Иттифоқи ёрдами билан бунёд этилган Асуан гидроэнергетиги комплекси қурилиши тугалланди. Нилдаги бу улкан иншоат арабсовет дўстлиги тимсоли бўлиб қолади. Суратда: Асуан ГЭСи бир группа қурувчиларини кўриб турибсиз.

В. Соболев фотоси.

ТАСС.

ОНА-ВАТАН БУЙЛАБ

ЛЕНИН ҲУЖЖАТЛАРИ ФОНДИ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг марказий партия архиви В. И. Ленин ёзган 30 мингдан ортиқ ҳужжатни тўплади. Булар китоб, брошюра, мақола, хатлардан, декрет ва қарорларнинг лойиҳалари қўл ёзмасидан иборат доҳийга таллуқли 396 фотосурат ва 874 метрли киноплёнкалар ҳам сақланмоқда.

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган «В. И. Ленин ҳужжатлари фонди» китобини нашр этди. Бу китобда Коммунистик партия ва Совет давлати асосчисининг қўл ёзма ва ҳужжатлари қай тариқа қидириб топилаётганлиги, ўрганилаётганлиги ва сақланаётганлиги тўғрисида гапирилади. Ана шу катта асарни яратишда неча юзлаб кишилар: олимлар, кекса коммунистлар, Ленининг қариндош-уруғлари ва сафдошлари, активлар, музей ва кутубхона, нашриёт ходимлари, дипломатлар, пропагандистлар, журналистлар ва бошқа кўп кишилар қатнашди.

Китобда «Революциядан илгари В. И. Ленин ҳужжатлари қаерда ва қай тариқа сақланди», «Совет ҳокимияти йилларида Ленин ҳужжатларини қидириб топиш ва тўплаш», «В. И. Ленин ҳужжатлари фондини уюштириш ва илмий асосда ишлаб чиқиш», «В. И. Ленинга доир кино, фото ва фоно ҳужжатлар», «В. И. Ленин асарларини сақлаш ва реставрация қилиш» деган боблар бор.

(ТАСС).

ЗАФАР МУБОРАК, КОНЧИЛАР!

ЧЕГДОМИН. «Хабаровск ўлкаси». (ТАСС мухбири). Ургаль кон бошқармасининг Г. М. Павлюченко бошчилигидаги бригадаси катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Ўтган бир кечакундузда бригада 1,5 минг тонна —конниг лойиҳадаги қувватида кўзда тутилганидан бир ярим баравар ортиқ кўмир берди.

Бу кон коллективи Узоқ Шарқда биринчи бўлиб минг тонналик маррадан ўзиб кетди. Бунга янги техника туфайли эришилди. Кенг жойни қамраб оладиган комбайн ўрнига камбарроқ жойни қамраб оладиган «2—52М» маркали комбайндан фойдаланила бошланди. Бу комбайнлар билан бирга комплекс ҳолда конвейер ва транспорт линиялари ишлаб турибди.

Кончилар йил бошидан буён кондан планга қўшимча икки минг тоннадан кўпроқ кўмир қазиб чиқардилар.

Махсус командировка

Трофим Подолин

Ўқув йилининг охирида Том ҳаммани яна ўзиникига таклиф қилди. «Мансабдорлардан» бири танишини рафиқаси билан уйига чақириб қўйганини, ўтиришга боролмаслигини айтди. Меҳмондўст Том шу заҳотиёқ унга таниши билан таниш бўлишини илтифот қилди. Курсдошининг ошнаси билан танишиб олгач, Георгий, унинг ўзини тутиши ва алоқаларига қараб, у бирон-бир махсус хизмат ходими эканлигини пайқаб, ҳар эҳтимолга қарши суратга тушириб қўйди. У кейинчалик бу учрашувни ҳам, жаноб Элтоннинг борлигини ҳам унутиб юборди. Георгий қамоқхонада ётганида, контрразведка Эльтонга Лонсдейл ишини олиб боришни топширганидан тасодифан хабар топиб, уни таниб, ёқасини ушлаган эди.

Битириш имтиҳонларидан сўнг —олдингилари каби бугун ҳам ёзма равишда эди—студентлар анъанавий хайрлашув кечаси уюштирмоқчи бўлишди. Бунинг учун ўз вақтида машҳур бўлган боксчи Фредди Милясга қарашли катта хитой ресторанини танлашди.

Кеча бир-бирларига дўстлик ҳис-ҳаяжонларини изҳор қилиш ва чет элга ўз ишларига кетаётганлар адресларини айирбошлаш билан тугади. Деярли ҳамма лавозимларидан хурсанд бўлганлиги учун, кўпчилик ўзини мақтанишдан тийиб туролмади. Бир неча киши Пекинга жўнади. Кўпчилик Гонконгга йўл олди. Американинг Клейтон Бредт эса АҚШга қайтаётган эди.

— Сен-чи, Гордон,— деб сўради у Георгийдан.

— Ҳозирча шу ерда туратураман, кейин Канадага жўнайман.

— Хўп бўлмаса, балким, яна кўришармиз.

— Албатта...

Американинг бўлгани учун группада уни унча ёқтиришмаслигини Бредт биларди. Шу боисдан у кўпинча Гордон ва Поуп билан гаплашарди. Канадаликлар инглизларнинг ҳам, американларнинг ҳам кичик инисидай гап эди.

— Менга қара, Гордон, бир янгиликни сенга айтмоқчиман,— бироз тебраниб ва унинг кўзига тик қараб деди тўсатдан у,— лекин бу ҳақда, ҳеч-ҳеч...

— Наҳотки... эшитаман сени Клейтон.

— Ҳай, иккимиздан ташқари, бу группадагилар... биласанми кимлар?

— Студентлар...

— Разведкачилар. Мана кимлар...

— Рост айтяпсанми?

— Тўрт мучамдан айрилай, агар...

Ўзининг фикрини тасдиқлаш учун Клейтон гоятда қизиқарли далиллар келтира бошлади.

Бредт, маълумки, айнан гапирмаётган эди. Шундай бўлса ҳам Георгий унинг нуқсонлари нимада эканлигини айта олмади. Бредт буни кўп йиллар ўтгач, Лонов кўлга тушгандан сўнг газеталардан ўқиб билиб олди. Барибир Георгий бу назарқарда одамнинг нигоҳига чалиниб қолмаганлигидан хурсанд эди. Канадаликлар билан тез-тез алоқада бўлиб турадиган американинг уни канадалик коммерсант сифатида тан олдими, энди инглизлардан ончалик ҳавотирланмаса ҳам бўларди.

«Об-ҳавога ўрганиш» тугалланган эди. У ҳақиқий лондонлик бўлиб қолди. Бир неча кундан сўнг Лондон университетини муваффақиятли тугатганлиги ҳақидаги таб-рикнома билан бирга Лонов Марказдан янги топшириқ олди.

(Бош газетамизнинг 19, 22, 24, 26, 30, 31 декабрь, 6, 7, 8, 9, 12, 13 ва 15 январь сонларида).

МУСИҚАВИЙ АВТОМАТЛАР

Разведка ишининг вазиятлари, унинг характери университетни битиргандан кейин ҳам Англияда қолиш учун ниқоб талаб қиларди. Лонов учун — мол-дунё орттириш пайига тушган устакор, ғайратли канадалик ёш йигит табиатига жуда мос тушадиган баҳона — корчалонлик билан шуғулланиш эди. Георгий университетда ўқиб юрган кезларидаёқ озроқ сармоя билан савдо фаолиятини бошлаб юбориш дуруст бўларди, деган қарорга келган эди. Бу аввало, бир дунё пул билан таваккал қилмай туриб тажриба орттириш имкониятини берса, иккинчидан. Лоновни билган одамларга, нима учун Канадага қайтмаганлигига, табиий сабаб бўлиб туюларди. Умуман олганда Англияда студентларнинг бундай ишлар билан шуғулланиши одат эмас. Лонов бўлса, уддабуронликда американликлардан ҳеч ҳам қолишмайдиган канадалик эди. Озгина чой-чақа ишлаб олиш ниятида ўзини ўта-чўққа ураётган шундай студентга мурувват қилиш гуноҳ ҳисобланмас эди.

Кўпинча бўладигандек, бу сафар ҳам ниҳоят тасодифан бир қарорга келинди: бошқа мамлакатларга қараганда савдо ва мусиқавий автоматларнинг Англияда жуда кам эканлиги Георгийнинг эътиборини жалб қилиб қолди.

Чайнайдиган резинка, сигаретлар, ёки яна майда-чуйда нарсалар сотадиган автоматлар. Бу гоя эди. У ўзига қулай пайтда уларни ўрнатиши ва ишлатиши мумкин. Агар асосий иш ва ўқиш билан бандлиги эътиборга олинса, у ҳамма нарсани ҳал қила оладиган устунлик берарди. Автоматлардан келадиган даромадни назорат қилиш солиқ маҳкамаси учун қийин эди— чунки унинг ҳаммаси нақд пул бўлиб, тушумни амалий жиҳатдан ҳисобга туриш мумкин эмас эди. Ишнинг бу томони ҳам муҳим бўлиб, даромаднинг ҳажмини белгилаб бўлмагач, Лоновнинг жарақ-жарақ пул сарфлаши ҳам ҳеч кимнинг ҳайратланишига сабаб бўлмас эди. Бу ҳақдаги маълумотлар, шундай бўлиши эҳтимол, ўз вақтида полициянга (балки контрразведкага ҳам бўлиши мумкин) тушиб қолсачи. Полиция ва контрразведка иши асосида — «ҳар ким маълум яшаш манбаларига эга бўлиши ва шу даромадларга яраша ҳаёт кечириши лозим» деган принцип ётади-ку, ахир. Бу темир қоидадан сал четга чиққан одам дарҳол ахборот тармоқларининг эътиборини ўзига тортади. Бу «мувофиқлик принципи» бузилган тақдирда, кўпинча ишнинг пачаваси чиққанлиги разведка тарихидан маълум, Қисқаси, бир муддат ўйлаб кўргач Лонов шундай хулосага келди: унга мусиқавий автоматлар — «меломанлар» керак.

У Эйрс деган кимса билан биргаликда «меломанлар» сотиб олгандан сўнг, кичик литражли машина зарурлигига «эҳтиёж» «сезиб» қолди. Кейинчалик Лондон атрофини ўрганишда, нарса яшираднган, учрашадиган маҳфий жойлар излашда ва бошқа ҳожатларини чиқаришда бу машинача унинг кунига кўп яради.

Ўқишини тамом қилгунга қадар Лонов, ҳар ҳолда, чет киши назарида мўмайгина даромад келтирадиган ва унинг учун келажакда ажойиб савдо истиқболлари очиб берадиган «қатор» автоматлар соҳиби бўлиб олган эди. Тез орада унинг «меломанлар»и студентлар орасида шов-шув қўзғатиб, ҳасадгўйларнинг кўзини ўйнатди.

Лонов Питер Эйрс билан мунтазам учрашиб турди ва бошқа савдогарлар билан ҳам танишиб олди. Ўша маҳалда англия бозорини ҳар хил товарлар — пайпоқдан тортиб иссиқ ичимликларгача сотадиган автоматлар босиб кетди. Канадалик бўлгани учун маҳаллий савдогарлар Лонсдейлни автоматларнинг пири деб ҳисоблардилар, Чунки автоматлар Канадада урушгачаёқ пайдо бўлган эди. У бу жабҳада унча-мунча нарса биларди, лекин, янги танишлар ўйлаган даражада эмас, албатта. Савдонинг шу соҳасини ёритувчи махсус америка журналларини ўқиш билан у билимларининг чаласини тўлдиришга ҳаракат қиларди.

Хуллас, уддабурон «канадалик студент» Гордон Лонсдейлнинг савдо ишлари гуллагандан гуллаб кетди.

Ҳа демаёқ Эйрс унга чинакам шерик бўлишни таклиф қилиб қолди. Фирмани кенгайтириш учун қўшимча маблағ даркор эди. Лонов фирма директорларидан бири ва унинг Лондондаги вакили бўлиши лозим. Бунинг учун унга ҳар ҳафта ойлик ва йил охирида эса фойданинг учдан бир қисми тегиши керак. Булардан ташқари ҳафтада икки фунт машина ҳақи, машинадан фойдаланиш учун кетган барча харажатлар (бензин, жорий ремонт, страховка ва ҳ. к.) билан боғлиқ бўлган тўламларни ҳам олиши шарт эди. Фирмага аъзо бўлиш Канадага қайтишдан воз кечиш учун ишончли баҳона бўлди.

Лонсдейл паспортининг «касби» деган йўлига зарур ўзгартиш киритилди. Энди у—кимсан «фирма директори» эди.

ПАРЛАМЕНТДА

Георгий кўз ўнгида, ялтироқ стол устида ётган, чумчуқнинг тилидай, қатор рақамлар билан тўла, ҳозирнинг ўзидаёқ йўқ қилиб ташланиши лозим бўлган папирос қоғозчаси унга шундай хабар келтирди: Марказ Англия ҳукуматининг ташқи сиёсати муҳокама қилинадиган парламент музокараларида унинг қатнашиши шарт деб ҳисоблайди.

Сувайш можароси пайти. Англия бирйўла Сувайш каналидан ажраб, Миср билан абадий хайрлашмоқда эди. Британия арслони ўз ўлжасини ҳеч кимга бермаслигини бутун жаҳонга ошкор қилиб, ваҳимали ўкирарди. Ҳавода уруш иси анқирди. Шу вазиятда «энг чиройли бош министр» Антони Иденнинг нималар дейишини ва парламентдаги жаноблар унга қандай қаршилик кўрсатишларини ўз қулоғинг билан эшитиш нақадар муҳимлигини Георгий ҳам яхши тушунарди.

Георгий мансабдор бўлган яқин ва узоқ танишларининг ҳаммасини бирма-бир хаёлидан ўтказди ва энг яхшиси, лигага, Пауэлл хонимга мурожаат қилишга қарор қилди. Бир неча кун муқаддам у, Парижга қилган қисқа муддатли сафаридан унга бир дона атир ва америка сигаретаси бойламини совға қилиб келтириган эди.

Елгиз, қариб бораётган, кўпинча камбағаллашиб қолган зодагонларга хос тарбия соҳибаси бўлган бу аёлнинг одамийлиги жамиятда тутган ўрнига қараганда анча баландроқ эди. Кичик бир эътибордан ҳам Пауэлл хонимнинг кўнгли тогдай кўтарилиб кетарди.

— Лонсдейл гапиряпти,— деди у лига ходимасининг таранг овозини трубкадан эшитгач.

(Давоми бор)

САКСАУЛ УРУҒИ „ФАБРИКАСИ“

Бутуниттифоқ «Союзгипролесхоз» лойиҳалаш-қидириш институтининг Ўрта Осиё филиалида саксаул уруғи тайёрловчи, мамлакатда биринчи ихтисослаштирилган хўжалик лойиҳаси вужудга келтирилмоқда.

— Ўзбекистонда қумли чўлларни дарахтзорга айлантириш борасида катта-катта ишлар қилинмоқда,— дейди лойиҳалаш-қидириш группасининг бошлиғи Э. Д. Корчевский.— Ҳар йили саксаул кўп минг гектар ерга экилмоқда. Бунинг учун жуда кўп уруғ кераклиги аёндир. Саксаул уруғини йиғиш жуда қийин иш. Уруғ шу қадар майдаки, сал шамол тегса ҳам учиб кетаверади. Шунинг учун ҳам уруғ йиғувчилар бир кунда бир неча юз грамм уруғ йиға олишади. Янги хўжаликда саксаул уруғи етиштириш ва тайёрлаш илмий асосга қўйилади. Бухоро областининг Шофрикон ўрмон хўжалигида шу мақсад учун тўрт минг гектардан ошиқ ва қатор қилиб экилган, яхши ҳосил берувчи ўн беш ёшарли саксаулзор ажратиб олинди. Шундай қилиб, уруғ йиғишда Ўзбекистон олимлари яратган махсус ўрнатма агрегатлардан кенг кўламда фойдаланиш мумкин бўлади. Янги хўжалик республиканинг саксаул уруғига ортиб бораётган эҳтиёжини қондиради, саксаулларнинг илдизи кўчма қумларни маҳкам ушлайди.

(ЎзТАГ).

ГУЛЛАР, ГУЛЛАР

ҚИШДА БАҲОР ЧЕЧАКЛАРИ

БОРЛИҚ оппоқ қор билан қопланган мана шу қиш кунлари шаҳарнинг гул дўконларида ажиб баҳор нафаси уфуриб турибди. Тоғчаларга теріб қўйилган рангба-ранг тувак гуллар, даста-даста букетлар киши қалбига беиҳоя завқ бағишлайди. Ҳар ким бу ерданнафис гул харид қилиб, ўз яқин кишисига гул — қалб меҳрини ҳадя этмоғи мумкин.

Қишда бу анвойи гулларни дўконларга турли гул хўжаликлари етказиб беради. Р. Р. Шредер номидаги илмий-текшириш институтининг теплица хўжалиги ҳам ана шундай йирик гулчилик хўжаликларининг биридир. Ўртоқ Р. Каримов раҳбарлик қилаётган теплица хўжалиги ишчилари яқинда ўзлари парвариш қилаётган гуллардан шаҳарликларнинг янги йил айёмига юз минг донадан ортиқ гул тортиқ қилишган эди. Ҳозир эса, ҳар куни шаҳар дўконларига 4-5 минг донадан «Гвоздика», «Нарцис», «Кала» ва бошқа хил гуллар жўнатиб турилибди.

Теплица хўжалиги бошқа хўжаликлар учун ҳар хил гул кўчатлари ҳам етиштириб бермоқда. Масалан, яқинда шаҳар кўкаламзорлаштириш совхози ва бошқа хўжаликларга 50 минг тупдан ортиқ гул кўчати жўнатилди. Шу мақсадларда яна 100 минг туп атр гул, 100 минг тупдан ортиқ гладиолус, хризантема, георгина ва бошқа хил гул кўчатлари тайёрланмоқда.

Гулларни кўпайтириш, парвариш қилиш ва уларни шаҳарликларга юборишда теплица хўжалигининг Доно Аҳорова, Насиба Раҳмонова, Соҳиба Ортиқова, Инобат Тўлаганова сингари ишчилари ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Улар ўзлари парвариш қилган нафис гуллар билан кишиларимиз қувончига-қувонч бахш этмоқдалар.

Х. НОСИРОВ.

СУРАТЛАРДА: теплица хўжалигининг илғор ишчиларидан С. Ортиқова (юқорида) ва Н. Раҳмоновалар гулхонада.
Н. АБДУРАСУЛОВ фотолари.

Тошкент янгиликлари

ТАРАДДУД

КПСС XXIII съездидан сўнг республикамиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ходимлари ҳозирги кунда икки съезд орасида эришилган муваффақиятларни ҳикоя қилувчи махсус виставка тайёрлаш тараддудини кўрмоқдалар. Виставканинг дастлабки стендлари ҳозир қўлдан чиқди. Уларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилишда қўлга киритилган ютуқлар ҳикоя қилинади.

Виставка стендларини тайёрлашга таниқли инженерлар, турли соҳа вакиллари жалб этилган. «Съезддан-съездгача» деб номланган виставка стендлари партиямиз XXIV съезди очиладиган кунгача тўла тайёрланиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

ЛОЙИҲАЧИЛАР ИШ УСТИДА

Чилонзорда қурилаётган 300 ўринли янги кинотеатр ҳадемай фойдаланишга топширилади. Бу объект лойиҳасини «Гипрокино» институти инженерлари чизиб беришган. Улар Қаётортол кўчасида қад кўтарадиган фильмлар базаси лойиҳаси устида ҳам иш олиб бормоқдалар. Яқин келгусида база лойиҳаси бинокорлар қўлига берилади.

Институтнинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин коллектив қисқа вақт ичида кўпгина лойиҳаларни қўлдан чиқарди. Институт тавсия қилган лойиҳага биноан «Узбекфильм» киностудияси ёнида кўпқаватли кўркам бино кўкка бўй чўзади. Бу ерда янги фильмлар намойиш қилинадиган зал, қутубхона ва ижодий учрашувлар хонаси бўлади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун ҳам бир қатор лойиҳалар чизиб жўнатилди.

Айни пайтда қишлоқларда қуриладиган клублар ва кинотеатрлар лойиҳаси устида ҳам ижодий иш олиб борилаётир. Институт лойиҳаси билан Беқобод районидаги Ленин номли колхозда 400 ўринли клуб, Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийсида янги кинотеатр бунёд этилади.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИ

Янги йилда шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли корхоналар сони яна ҳам ошади. Москва, Ленинград, Киев шаҳарлари тажрибаси асосида корхоналарнинг хизмат кўрсатиш қўлами кенгаяди. Ҳозирги кунда «Реммебель» комбинатида интерьерлар тайёрловчи махсус цех очилмоқда. Бу цех маиший хизмат кўрсатиш уйларини безаш учун маҳсулотлар етказиб беради.

Яқин ҳафталар ичида Ғафур Ғулом кўчасида кўпқаватли ателье ишга туширилади. Бу ерда янги хил модалар намойиш этилади. Пионер кўчасида эса кийим-бошларни тезкор усулда тозалаб берувчи химчистка пункти иш бошлайди. «Марказ-6» микрорайонида очиладиган пойафзаллар салонида аҳолидан олинадиган шахсий буюртмалар бажарилади. Черданцев, Шимолий-шарқ микрорайонлари, Студентлар шаҳарчасида ҳам қатор маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини бошлайди.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

✦ СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети ягона Бутуниттифоқ спорт классификацияси норматив ва талабларини бажаргани учун тошкентлик бир гуруҳ спортчиларга «СССР спорт мастери» фахрий унвонини берди. Улар орасида эркин курашда Абдураманов, Мирзараҳимов, спорт гимнастикачилари Т. Каримов, В. Дворкина, Ю. Людин, Н. Савенкова, бадиий гимнастикачилар Н. Ҳакимова, Р. Ҳасанова, шахматчи М. Рудерфер ва бошқалар бор.

✦ Тошкентлик ёш волейболчилар Москвадан қайтиб келишди. Улар пойтахтда ўтказилган турнирда муваффақиятли қатнашдилар. Қизлар ўртасида Тошкентнинг ёш динамочилари иккинчи ўринни олдилар. Ўсмирлар мусобақасида қатнашган ўқувчилар терма командамиз учинчи ўринни эгаллади.

✦ Ригада ўтаётган мамлакат биринчилигида конькида фигурали учиш бўйича ўтган йилги чемпионлар И. Роднина ва А. Уланов яна ғолиб бўлдилар.

ҲОДИСА

ОЛИЖАНОБЛИК

Бу воқеа яқинда рўй берди.

Кун оғиб қолган. Машиналар турна қатор. Йўловчилар кўп. Пойтахтдаги «Високовольт» кўчасида уйга ошиқаётган Темиров чорраҳадан, тўхтаб турган машиналар олдидан йўлни кесиб ўтабошлади. Аммо, у ҳаракат қондасига ҳилоф равишда юқори тезликда келаётган мотоциклни кўрмади ҳам, сезмади ҳам. Фақат хушига келиб қолганимни сезмабман. Ҳали кун ботишига вақт бор, орқага қайтсам ҳам бўларди. Аммо, қандай бўлмасин ўлжани ҳолдан тойишига умид боғлаб таъқибни давом эттирдим.

Умидим пучга чиқмади. Қоядан сакрашда кийик тошга урилиб, жарликка қулади. Арқонни олиб, қияланиб ўсган арча шохига боғладим-да, осилиб туша бошладим. Беш-ўн метрча пастлашган ҳам эдим-ки, оёғим қандайдир зинапояга тиралгандек бўлди.

Шу пайт кутилмаганда бошимга тушган зарбдан хушдан кетаёздим. Бир зумда кўз олдим хиралашди, оёқ-қўлларим мадорсизланиб, арқонга осилиб қолдим. Иягимда чумолилар карвони ўрмалаётгандек туюлди. Тош кўчдимикан?

Ўзимга келиб, тепага қарасам улкан қанотларини қоқиб, бургут айланиб юрибди, Воқеа аён. Демак, остимда унинг уяси бор. Шошма, бир адабингни бериб қўй, дедим-у, телпагимни бос, тирноқ уяга кирдим. Кенглиги икки метрча келадиган горда бемалол эмаклаб юриш мумкин эди. Ҳар ерда сўнгаклар. Қўрқа-писа ичкариликка қўлим тиқдим. Юмшоқ бир нарса орқага тисарилгандай бўлди. Бир амаллаб полопонни тортиб олдим-да, қўйнимга солиб юқорига қўтарилдим.

— Бургут қайта чанг солмадими?—овчининг жимиб қолганини кўриб луқма ташладим.

— Қаёқда дейсиз. Бир эмас, ўн марта ташланди қургур. Онаизор экан-да! Ҳатто сўқмоққа чиқиб олгунимча тинчлиқ бермади, Отиб ташлашим ҳам мумкин эди-ю кўзим қиймади. Қайси ҳайвонни боласидан жудо қиласиз-у, у тек туради, укам, Кучи етса, етмаса олиша беради, ҳатто ўзини нобуд қилишдан ҳам тоймайди.

Уч ой деганда полопон улғайиб, бақувват бургутга айланди. Уни овга ўргатиш вақти етганди. Осон иш эмас экан. Турди аканинг маслаҳатига кўра қушни уйда бир-икки кун ич қолдирдим. Кейин бўри терисини топиб сомон тиқдим. Фақат калласи бўш қолганди. У ерга янги сўйилган қўй гўштидан бир бўлагини солиб қўйдим.

Жонивор очиққан эмасми, чиқиб кетишим ҳамоно ўткир панжаларини ёзиб, «ўлжа»сига ташланди. Тешикчадан мўралаб, қушнинг ҳатти-ҳаракатини кузатаман, Билмадим, бургут ҳид сездими, «бўри»нинг калласини чўкий бошлади. Ниҳоят кўзини топиб, гўштни тортиб чиқарди.

Шу зайлда кунлар ўтди. Бургут—эҳтиёт «шогирд». Тез орада ростмана «ов»нинг ҳаддини олди. Севинчимнинг чеки йўқ. Ахир севинмай бўладими! Бургутни қўлга ўргатиш ҳар бир овчининг нияти-да! Шу тарзда унг қўлга ўргатиб олдим.

— Мана бу эса, —мавзудан четлашиб, хона бурчагига ишора қилди овчи,—дастлабки ўлжамиз.

Қизиқсиннб, батафсил сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— Бу бўри чўпонларни озмунча ташвишга қўймаган. Ниҳоятда «туллак» экан лаънати. Қоп-қон қўйишди, ялинмади, итлар билан изига тушишди, чап бериб қочди. Бургутни ишга солишдан ўзга чора қолмаганди. Чўпонларнинг илтимосига кўра эртаси кун бўри юриши эҳтимоли бўлган сой томон йўл олдим. Бир томони айловга, бир томони тўқайзорга туташиб кетган сой сукунатда, Фақат ахён-ахёнда ўрдак, лойқўракларнинг «го-гув»лари эшитилиб қолади ва яна жимлик чўкади.

Ҳарқалай, ваҳшийни кўп кутишга тўғри келмади. От бўрининг хидини сезиб кишнаб юборди. Ялт этиб, орқага қарадим. Шу пайт бир тўда ўрдаклар чуввос солиб ҳавога кўтарилди. Сиғчиклаб қарасам, тўқайзордан лапанглаганча баҳайбат бўри чиқиб келарди. Бургут бошига кийгазилган халтачани олиб, бўри томон ишора қилдим.

Қуш енгил ҳавога кўтарилди ва қамишзор устида бир-икки бор айланиб, тошдек тўқайзорга ўзини урди. Бўри ҳужумни кутмаган эди. Лекин очиқ айловга қочиб қолишга улгурди, Бургут яна баландлади

Юрагим қинидан чиқиб кетгудек тепади, елкамдаги милтиқни қўлга ололмайман. Яккама-якка олишув инма билан тугаши тинчлик бермайди. Бу пайт бўри анча узоқлашиб кетганди.

Бургут «ўлжа»ни пайқади. Бақувват қанотлар йиғилиб, визиллаганча тепамдан ўтиб кетди. Бўри ҳужумнинг такрорланишини билиб, дам-бадам орқасига қараб қўярди. Лекин қанотли дўстим тезда унга етиб олди. Ортидан югурдим. Қонли олишув саноқли дақиқалар давом этди, Бургут бу орада ўз «иши»ни қилиб бўлганди. Ҳар эҳтимолга қарши тепкини босдим.

Бургут осмонга кўтарилди. Ерда эса икки кўзи ўйиб олинган бўри гужанак бўлиб ётарди.

Я. САЛИМОВ.

БУРГУТНИНГ ПАРВОЗИ

ВОҚЕЙИ ҲИКОЯ

ЁШ ЧЕВАРЛАР

ОКТЯБРЬ РАЙОН «БЕШҚАЙРАҒОЧ» МАҲАЛЛАСИдаги Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда ташкил этилган бичиш-тикиш тўгарагининг иши диққатга сазовор. Моҳир тикувчи Фазилат опа Раҳимбекова раҳбарлик қилаётган бу тўгаракда 100 дан ортиқ бўлажак ёш чеварлар билим олмоқда.

У. КАРИМОВ.

ЁРДАН ЭҲСОН БОРМИКИН

(ИЧКИЛИКБОЗНИНГ ҲИРГОЙИСИ)

Май-шароб ишқида мендек, кўнгли гирён бормикин?
Юзта-юзта тортганида «тили бийрон» бормикин?
«Тили бийрон», заъфарон юз, ақли ҳайрон бормикин?
Дийдираб тан, қалтираб қўл, ёқа вайрон бормикин?
«Гашти кайфини» дедим мен, одатим тарк этмай яна,
Ёпишиб олди нетайким, ишрат деган, мисли кана.
Кунаро-кун ўтмайин чорлаб турар хушёрхона,
Э. воҳким менчалик ҳам беор меҳмон бормикин?
Юз ўгирди оқибатким, дўстларим бегонавор,
Кулги бўлдим, судралиб маст, кўча-куйда хасу-хор,
Қайда қолди одамийлик, қайда қолди номус-ор.
Эл ичинда энди мендек қадри яксон бормикин?
Май агар бўлса ҳам ой — энди асло боқмайин,
Ҳеч қачон оғзимга олмай, жонимга зарр бўлган майин,
Деманг, эй, Деҳқоний, бизни сўзда турмас бетайин,
Аҳдима қилсам вафони, ёрдин эҳсон бормикин?

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

МАШИНА ДЕНГИЗЧИНИ ҚУТҚАРДИ

Олти кеча-кундуз Тинч океанида шторм оқимида сузган камчаткалик денгизчи Василий Савочкин электрон—ҳисоблаш машинаси ёрдамида қутқарилди.

...Тундаги кучли довул Усть-Камчатка портидаги «Лев Толстой» теплоходига шатакка олинган плашкоутни суриб кетди. Кичик ясси кема бортида бўлган шкипер В. Савочкин рўй берган фалокатни билдириш мақсадида ракетадан сигнал берабошлади. Бироқ, кучли қор ёғаётганлиги туфайли бу сигнални пайқашмади. Шамол ва денгиз тўлқини кемани океан қарига қараб суриб кетди. Эрта билан йўқолган плашкоутни ахтариш учун кемалар, самолётлар ва вертолётлар қидиришга йўл олишди. Бироқ, оби-ҳаво ноқулай бўлганлиги, узоқни кўриш қийинлиги туфайли қидирув ишлари натижа бермади. Ана шунда электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамга келди. Машина шамол ва оқимнинг тезлиги ва йўналиши ҳақидаги маълумотларни олиб, ҳисоблаб чиқди ва ясси кемача қайси координатларда эканлигини аниқлаб берди. Машина берган маълумот жуда аниқ бўлиб чиқди. «Зевс» қутқариш кемаси плашкоутни шатакка олди ва уни портга олиб келди.

Шкипер Василий Савочкин ўзини яхши ҳис этмоқда. У океанда бўлган кунларида руҳан тушмади. Янги йилни ана шундай кутилмаган вазиятда, денгизда кутиб олди. Плашкоутда запас маҳсулотлар ва ўтин бор эди. Денгизчи энг асосийси, ёрдам келишини яхши биларди.

ИҲЛИНИ ТОПДИ

Колумбияли футбол судьяси Санта-Мария шаҳридаги стадионда «Юнион Магдалено» ва бу ерга меҳмон бўлиб келган «Депортиво Кукута» командалари учрашувига хакамлик қилаётиб, жуда оғир вазиятда қолди, бироқ қутулиш йўлини топди. У Санта-Мария ишқибозларининг ўта қизиққонлигини яхши биларди. Ўйин охирлаб қолган, ҳисоб эса очилмаган. Матч охирларида стадионни тўлдириб ўтирган ишқибозлар судьяни «холис турмаётганлигида» айблаб, норозилик билдира бошладилар. Тоқати тоқ бўлиб қолган томошабинлар майдонга ёпирилиб тушиши ҳавфи ҳам туғилди. Ана шунда судья миясига ажойиб бир фикр келди. У ўйинни тўхтатиб, ҳар иккала команда капитанларини чақирди ва уларга ўйин вақти тамом бўлгандан кейин хуштак бермаслигини, «Кукута» командаси дарвозасига тўп киритилишини (албатта команда капитани розилиги билан) ва ғолни қайд этишини, бироқ протоколда.... 0:0 ҳисобини ёзажагини айтди.

Худди шундай ҳам қилинди: хурсанд бўлган ишқибозлар судья ва меҳмонларни қарсаклар билан кузатиб қолишди ва тинчгина уйларига тарқалишди. Фақат эртаси кун улар газеталарда берилган ҳисоботларни ўқиб алданганликларини пайқашди. Алдамчи судья билан ҳисоб-китоб қилиш учун эса кечикишган эди.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИЛАР-ПОЙТАХТ МЕҲМОНИ

«Менинг Ватаним» Бутуниттифоқ экспедицияси қатнашчилари бўлмиш бир группа тошкентлик мактаб ўқувчилари қишки каникул кунлари Москвада меҳмон бўлдилар. Кичкинтойларимиз Кремль съездлар саройи ҳамда союзлар уйининг Колонна залига ўрнатилган арча атрофида рақсга тушдилар, автобусда пролетариат доҳийси бўлган жойларни зиёрат қилдилар, В. И. Ленин Марказий музейини бориб кўрдилар. Шунингдек улар Бутуниттифоқ «Ёшлар ижоди» ва Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларида, Третьяков галереяси ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўлишди.

Л. АПАРНИКОВ,
Москва шаҳри.

30 ТИЙИНГА... «МОСКВИЧ»

Турғун Хўжаев омадини синаб кўриш учун колхознинг иккинчи участкаси магазини дан битта лотерея билети сотиб олганди. Яхши ният билан олган билетнни текшириб кўрса «Москвич» ютуғи чиқди.

А. АНИМБЕТОВ,
Ўрта Чирчиқ райони Охунбобоев номли колхоз.

РАССОМ ХАНДАСИ

Қачон сенга ҳам ақл киради?

— Пивохонада уч-ушлашиб қ-қ-қолишди...

— Мана бу из айиқнинг изи. Сен орқасидан бор. Қаерга кетганини кўрасан, мен эса қаердан келганини кўришга бораман...

— Вой афандией, шикоят дафтарига латифа ёзиб кетибди. Овқатимиз бемаза эмиш...



Магазинчи:

— Кўп керилма. Мен сени жимжилоғимда кўтараоламан.

А. ҲОЛИҚОВ чизган расмлар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — «Қувноқ қўшиқлар ва рақслар», 10.40 — «Момо ер» (бадиий фильм), 11.55 — Кўрсатувлар программаси.

12.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатувлар программаси, 17.00 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — «Маша ва Жучка» (қўғирчоқ фильм), 17.25 — Болалар учун. «Қувноқ минутлар», 17.55 — КПСС XXIV съезди шарафига, 18.00 — «Қалбимда қўшиқлар кўп», 18.55 — «Ахборот» информацион программаси, 19.10 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик олтин даврим».

20.15 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ота-оналар учун консультация (рус тилида), 12.00 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тилидан 10-машғулот, 12.30 — «Электрон техникаси» (рус тилида).

15.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.15 — «Физкультура ва спорт» (тележурнал), 20.55 — Халқ ҳофизлари концерти, 21.45 — «Иван Бровкин ҳўрида» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/I да Аида, 17/I да Оққуш кўли (кундузи), Севилия сартароши (кечқурун), 18/I да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/I да Улимдан кучли, 17/I да Шоҳ Эдип.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да Бахт тўйи, 17/I да Менинг жаннатим, 18/I да Ешликда берган кўнгил.

КИНО

Сўнгги ёдгорлик — САНЪАТ САРОЙИ, «СПУТНИК», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сен менинг жонимсан — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Филателистнинг ўлими — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

У ёлғиз эмасди — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 7 ярим ва 9 да), «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

Нон, севги ва фантазия — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Эрамиздан миллион йил илгари (эрталаб соат 11, кундуз 1, кеч 6 да), Гул ва тош (ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 8.20 минутда) — «КЎКЧА».

Оқ флюгер — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва 5 ярмда).

Резидентнинг тақдири — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

ҚИШКИ СПОРТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР УЧУН!

16 ЯНВАРДАН БОШЛАБ
Оммавий равишда

КОНЬКИДА ЯХМАЛАК ОТИШ БОШЛАНАДИ

Конькида яхмалак отиш маланали тренерлар ОЛЬГА ШИН ва ГЕННАДИЙ КНЯЗЕВЛАР раҳбарлигида ўтказилади.

МУЗИКА ЖЎР БЎЛАДИ.

Ҳар куни эрталаб соат 11, кундуз 2,5 ва кеч 8 да бошланади

Билетлар сотилмоқда.

Касса эрталаб соат 9 дан очиқ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19 ЯНВАРДА ХОРАЗМ «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти — ГАВҲАР РАҲИМОВА.

ПРОГРАММАДА: Ўзбек халқ ашула, куй ва рақслари, достонлардан парчалар ва совет композиторларининг асарлари.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри,

№ А—1668. ИНДЕКС — 64697. Р — 02146